

## АЗИМИЙ ИЖОДИДА ИҚТИБОС САНЬЯТИ

Сарвиноз Азизхонова

ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат

адабиёт музейи таянч докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6780312>

**Аннотация.** Мазкур мақолада Ҳожса Аҳмад Яссавийнинг издоишларидан бўлган, XVIII аср охири – XIX аср биринчи ярмида яшаб, ижод қилган Азимхўјса Эшионнинг шеърларида иқтибос санъатидан фойдаланганлиги, Қуръон ва ҳадис оявларидан иқтибослар келтиргани, мазкур шеърларнинг таҳлили, Қуръондан суралар ёки дуолар ўқиб ибодат қилиши тўгрисида маълумотлар берилади.

**Калим сўзлар:** иқтибос, Қуръон, ҳадис, девон, масаввуф, шариат, маърифат, тариқат, иймон, тақво, диёнат.

## ИСКУССТВО ЦИТИРОВАНИЯ В ТВОРЧЕСТВЕ АЗИМИ

**Аннотация.** В данной статье приведены сведения об использовании искусства цитирования в стихах Азимходжи Эшана, последователя Ходжи Ахмада Яссави, жившего и писавшего в конце XVIII - начале XIX вв., цитаты из Корана и хадисов, анализ эти стихи, чтение сур или молитв из Корана.

**Ключевые слова:** цитата, Коран, хадис, девон, мистика, шариат, просвещение, учение, вера, благочестие, религия.

## THE ART OF QUOTATION IN AZIMI'S WORK

**Abstract.** This article provides information about the use of the art of quotation in the poems of Azimkhoja Eshan, a follower of Khoja Ahmad Yassavi, who lived and wrote in the late XVIII - early XIX centuries, quotes from the Qur'an and hadith, analysis of these poems, recitation of surahs or prayers from the Qur'an.

**Keywords:** quote, Qur'an, hadith, devon, mysticism, sharia, enlightenment, teachings, faith, piety, religion.

## КИРИШ

Мумтоз адабиётшуносликда назмий асарларда Қуръон ва ҳадисдан фойдаланиш мустақил бадиий санъат – иқтибос санъати номи билан қайд қилинади. Замонавий адабиётшуносликда иқтибосга “Қуръон оявлари ва пайғамбар ҳадисларини шеър ичида келтириш ёки уларнинг мазмунини шеърда ифодалаш санъати” деб таъриф бериш ҳамда ҳадисларга бағишилаб ёзилган “Арбаъин”ларга ҳам иқтибос санъатининг намунаси сифатида қараш мавжуд.

Асрлар давомида ижодкорлар иқтибос санъатидан кенг фойдаланиб келганлар. Шу ўринда иқтибос санъати ҳақида қисқача тўхталамиз. Иқтибос, араб тилида “قبس” сўзидан олинган бўлиб, лугатда “илм ўзлаштирумок”, “цитата келтирмоқ” ва “ўт олмоқ” маъноларини билдиради. Иқтибос Қуръон ёки ҳадисдан керакли кўчирмани айнан олиб, олинган манбага ишора қилмаган тарзда қўллашдир. Бундан мақсад, биринчидан, келтирилаётган фикрни диний асослаш бўлса, иккинчидан, уни муқаддас калом нури билан зийнатлаш бўлган.

Адабиётшунос олим О.Жўрабоев бу санъат ҳақида: “Маънавий санъатлар сирасига кирувчи “иқтибос” санъати иштирок этган асарларда, ўзига хос жилвакорлик билан бирга

фалсафий мушоҳада ҳам чуқур акс этган бўлади. Иқтибосни қўллай билиш юксак савия ва маҳоратни талаб қиладиган ижод услубидир”, - дейди. Шунингдек, Атоуллоҳ Ҳусайнининг қуйидаги фикрларини келтиради: “Иқтибос” машхур қавлға кўра Қуръон ёки ҳадисдин бир ниманинг олинганиға ишора бўлмаган тарзда қаломға киритмактин ибораттур”.

### ТАДҚИҚОТ МЕТОДИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Шеърларига нур ва зиё бағишилаган ижодкорлардан бири XVIII аср охири – XIX аср биринчи ярмида Кўқонда яшаб, ижод қилган Азимийдир.

Бузрукхўжа (баззи манбаларда отасининг исми Камолиддинхўжа) ўғли Азимхўжа эшон (Азимий) тасаввуф илмининг билимдони, сўфий шоир сифатида шариат аҳкомларининг асосини ташкил этувчи иймон, салот, ҳаж амалларини бажариш вожиблиги билан бирга манъ қилинган ишлардан тийилиб яхши хулқ эгаси бўлиш, суннатларни бажариш, тариқатда эса тавба қилиш, пир йўл-йўриқлари асосида иш кўриш, Қуръондан суралар ёки дуолар ўқиб ибодат қилиш, тажрид ва тафридда (хилват ва ёлғизланиш) бўлиш, маърифатда эса, дарвешликни қабул қилиш, ҳалолликни тилаш, маърифатли бўлиш, шариат ва тариқат маҳомларига риоя қилиш, яхшини ёмондан фарқлай олиш, беозор бўлиб фақирлик йўлини тутиш, сир-асорорни пинҳон тутиш, шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат маҳомларини билиш ва уларга амал қилиб Аллоҳнинг ваҳдатига интилиш каби ғояларни қуялаган.

Унинг 4000 минг мисрадан ортиқ шеърлари жамланган “Мурод-ул-ошиқин” номли девони мавжуд бўлиб, ундан ҳикмат, мусаддас, ғазал, наът, муножот, муҳаммас, мураббаъ, мустаҳзодлари ўрин олган. Уларнинг орасида иқтибос санъати билан бирга тасаввуфий-ирфоний оҳангда ёзилган ғазал ва бошқа лирик жанрларга оид асарлар катта қисмини ташкил қиласди.

Азимий девонида Қуръондан келтирилган иқтибослардан мисоллар келтирсак.

Шоир Расулуллоҳ с.а.в.га бағишилаган наътнинг иккинчи бандида келтирилган:

حق کلامی ده اوقدی رحمت للعالمین

حامی روز قیامت حادی دنیاو دین

دُر دریای نبُوت شمع جمه مرسلين

حاصم در کاهینک ایردی خضرت روح الامین

الصلواه واسلام ای خواجه ایکی سرا

وَمَا بَعْدَهُ لِلْعَالَمِينَ (١٠٧)  
أَرْسَلْنَاكَ إِلَّا رَحْمَةً لِلْعَالَمِينَ  
Бу ердаги сўзи “Анбиё” сурасининг 107 оятига ишора беради. Яъни,

(Эй, Муҳаммад!) Биз Сизни (бутун) оламларга айни раҳмат\* қилиб юборганмиз.

Ушбу оятдаги раҳмат\* сўзи жуда кенг маънони англатади. Уларни билиш учун Муҳаммад (а.с.)нинг ахлоқ-одоблари, сийрат ва шамоиллари, шариатларининг бағрикенглиги, ҳатто, қуфр ва ширк аҳлига ҳам зулмни раво кўрмаслиги, меҳр-оқибат, эзгулик каби фазилатлар манбаи эканидан хабардор бўлиш зарур.

Ушбу наътнинг учинчи бандида:

کوز لارینک نعتیده کبلدی نصیّ مازاغ البصر

مؤجّزه بیردی دلیل ایت شق القمر

ساجد اولدی خدمتینکغه به قدم کیلیب شجر

عرض ایتاردی حضرتینکا باش قویوبان کان زر

## الصلواة وسلام اي خواجه ايكى سرا

Ушбу банддаги сўзи “Нажм” сурасининг 17 оятига ҳамда 17 оятига ҳамда мазағ бечерадиган “Нажм” сураси 17 оят: (۱۷)

مَا زَاغَ الْبَصَرُ وَمَا طَغَىٰ  
Пайғамбарнинг кўзи четга оғгани ҳам йўқ, ҳаддидан ошгани ҳам йўқ.

**ТАДҚИҚОТ НАТИЖАСИ**

“Камар” сурасининг ояларига далолат: Сурада ойнинг иккига бўлинниб, мўъжиза юз бергани ҳақида оялар бўлгани учун номи шундай аталган. “Қиёмат яқинлашди. (Мана, илоҳ мўжиза сифатида) Ой ҳам бўлинди.

Шоир мазкур бандда Икки олам сарвари бўлмиш пайғамбарни улуғлаб, унинг ҳаёт тарзига оид мўжизалар орқали Саллогоҳу алайҳи вассаламга бўлган чексиз туйғуларини ифода этган.

6 бандида эса:

كَرِّجَهُ لَطَفِينَ عَالَمَ اِبْرَاهِيمَ بَرِّجَهُ كَا عَامَ اِبْلَادِي  
كَيْمَكَا سَنْدِيْكَ حَقَ تَعَالَى حُرْمَتَ اَنْعَامَ اِبْلَادِي  
كَمْنِي سَنْدِيْكَ صُنْفَ مَحْصُوصَ بَايْكَارَامَ اِبْلَادِي  
قَابَ قَوْسِينَ يَتَكُورُوبَ رُوحَنِي آرامَ اِبْلَادِي  
الصلواة وسلام اي خواجه ايكى سرا

Фқанَ قَابَ قَوْسِينَ اُوْ أَدْنَى (۹)

Тафсирларда бу оят Пайғамбар алайҳиссалом ва Жаброил алайҳиссалом орасидаги учрашув ҳақида эканлиги айтилади: “Яъни Жаброил фаришта яна ҳам пастроққа тушишда давом этиб, Пайғамбар алайҳиссаломга икки камон миқдорича, балки ундан ҳам яқинроққа келдилар. Бундай яқинлик натижасида ваҳийни етказиши осонлашган”.

Қоба қавсайн еткуруб руҳини ором айлади

Мисрасидаги “қавс” сўзи камоннинг ип тортилган икки учи маъносини англатишига эътибор қаратсан, “қоба қавсайн” бирикмасини шоир камоннинг иккала учи яқинлашиб “руҳини ором” айлаганлигига ишора қиласи. “Бунда шоир камоннинг икки учи маъносида Ислом таълимотини инсониятга етказиб берган икки улуғ зот – Муҳаммад ва Жаброил алайҳиссаломларни назарда тутганлиги, улар “Меърож” тунида бир-бири билан жуда яқиндан туриб учрашганларига ишора қилган бўлиши ҳам мумкин”.

Наътнинг 7 бандидаги сўзи “Оли имрон сурасининг 110 оятига ишора.

إِنْبُوٰتْ مَسْنَدِيْدَهُ جُمْلَهُ دِيْنَ ثَابِتَ قَدْمَ  
بَرِّجَهُ مَرْسَلَ لِرَ اِيجِيدَهُ پَشْوَاهِيْ مَحْتَرَمَ  
حَقَ تَعَالَى وَعَدَهُ بِيرَدِيْ أَمْتَنِيْكَ خَيْرَ الْأَمْمَ  
سَنَمَ أَمَّتَ سَنَ درُودِيْنَ الْعَظِيْمِيْ قَيْلَمَهُ كَمَ  
الصلواة وسلام اي خواجه ايكى سرا

“Оли имрон сураси 110 оят”: **كُلُّنُمْ خَيْرٌ أُمَّةٍ أَخْرَجَتْ لِلنَّاسِ تَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَنَهَوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ وَنُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ**:  
**وَلَوْ أَمَنَ أَهْلُ الْكِتَابَ لَكَانَ خَيْرًا لَهُمْ وَلَهُمُ الْمُؤْمِنُونَ وَأَكْثَرُهُمُ الْفَاسِقُونَ (۱۱۰)**

Одамларга чиқарилган (маълум бўлган) умматнинг энг яхшиси бўлдингиз, (эй, мусулмонлар!) зеро, сиз амри маъруф, нахий мункар қиласиз ва Аллоҳга имон келтирасиз. Агар ахли китоблар (ҳам) имон келтирганларида эди, ўзлари учун яхши бўлур эди. Улар орасида (Муҳаммадга имон келтирган) мўминлари ҳам бор, кўпчилиги эса фосиқлардир.

Ушбу бандда шоир барча умматлар ичида мусулмонлар улуғлигини, у хам мусулмон уммати эканлигини, икки олам сарвари бўлган Пайғамбар (с.а.в.)га саловатлар айтишини канда қилмаслиги кераклигини шарҳлаган.

Шоирнинг қуидаги мусаддасининг биринчи бандида келтирилган **“Исро”** сурасининг 70 оятига ишорадир.

حمد لله قدرتدين جوش اوروب بھر عدم  
چقتى صخراي جهان غە موجدين بر قطره نم  
قىلدى پىدا جۇلمە موجوداتنى اولباكرم  
افضلى مخلوق ايتب آدمى قىلدى محترم  
بوبىنېغە بار عبودىت سالىپ أوردى رقم  
تاج كرمنا بنى آدم باشىغە قويىدى هم

Исро сураси 70 оят:

وَلَقَدْ كَرَّمْنَا بْنِي آدَمَ وَحَمَلْنَاهُمْ فِي الْأَرْضِ وَالْبَحْرِ وَرَزَقْنَاهُمْ مِنَ الطَّيَّابَاتِ وَفَضَّلْنَاهُمْ عَلَىٰ كَثِيرٍ مِنْ خَلْقَنَا تَّضَيِّلًا ٧٠

Дарҳақиқат, (Биз) Одам фарзандларини (азиз ва) мукаррам қилдик ва уларни куруқлик ва денгизга (от-улов ва кемаларга) миндириб қўйдик ҳамда уларга пок нарсалардан ризқ бердик ва уларни Ўзимиз яратган кўп жонзотлардан афзал қилиб қўйдик.

### МУХОКАМА

Ушбу олтилиқда Азимий Аллоҳнинг буюклигини, барча мавжудотларни яратгани ҳамда улар орасида инсонни яратиб улуғ қилганилигини ифода этган.

Азимийнинг ушбу ғазалидаги байтда келтирилган сўзи Қуръони Каримнинг “Қоф” сураси 16 оятида ва “Воқеа” сурасининг 85 оятида келтирилган.

اول بندە مقرب هر چندکە آچمسە لب  
اسرار نحن اقرب انكا عيان ايمسمۇ

“Қоф” сураси 16 оят:

وَلَقَدْ خَلَقْنَا إِلَّا سَانَ وَنَعْلَمُ مَا ثَوَسْوْسُ بِهِ نَفْسُهُ وَنَحْنُ أَقْرَبُ إِلَيْهِ مِنْ حَبْلِ الْوَرِيدِ (١٦)

Инсонни (Биз) яратганмиз, (демак) унинг нафси васваса қиладиган (кўнглидан ўтадиган) нарсаларни ҳам билурмиз. Биз унга бўйин томиридан ҳам яқинроқдирмиз.

“Воқеа” сураси 85 оят: (٨٥)

Биз унга сизлардан кўра яқинроқдирмиз, лекин сизлар (буни) кўрмассиз.

Воқеа-қиёматнинг номларидан бири. Мазкурда қиёмат қойим бўлганда рўй берадиган мудҳиш ҳодисалар баёнидан бошлаб, охиратда мўмин бандаларга бериладиган мукофотлар, яъни жаннат неъматлари, шунингдек, кофиirlарнинг жазоси, яъни, уларга бериладиган дўзахдаги азоб-уқубатлар баён этилади.

Шунингдек, келтирилган ушбу ҳикматдаги сўзи Сажда сурасининг 11 оятига ишора.

اجل نوبت ٿُرور بر کون بيزكا کيلور  
کيلور بولسه يقين ايشلار پراق بولور  
هېبىتىدين يوراك بغیر قانغه تولور  
ملک الموت جانين الور حالتىنده

Сажда сураси 11 оят:

فُلْ يَتَوَفَّاكُمْ مَلْكُ الْمُؤْتَ الَّذِي وُكِلَ بِكُمْ ثُمَّ إِلَى رَبِّكُمْ تُرْجَعُونَ (١١)

Айтинг: “Сизларга вакил қилинган ўлим фариштаси жонларингизни олур, сўнгра Раббингиз хузурига қайтарилурсиз”.

(жон олувчи фаришта, яъни Азроил алайҳиссалом)

Ушбу хикматда шоир насиҳат тарзида дўйстларга Аллоҳ хузурида шарманда бўлмаслик учун тақво ва тоатда мудом бўлишилигини, ўлим ҳар бир дақиқада келиши мумкинлиги, ўлим фариштаси жон олиш вақтида бу ҳаётнинг барча ишлари ортда қолиши тўғрисида баён этган.

Яна бир ғазалда келтирилган اصحاب کهف сўзи Куръондаги “Кахф” сурасининг оятларига ишорадир.

اصحاب کهف ایرکشسم ایرنلاره

تاقووم مو دېب الاردين نظر كمياسنى

أَمْ حَسِيْنَتْ أَنَّ اَصْحَابَ الْكَهْفِ وَالرَّقِيمَ كَانُوا مِنْ آيَاتِنَا عَجَّا (٩)

Балки, “Кахф” (ғор) ва “Рақим”\* (битик) эгаларини бизнинг мўжизаларимизнинг энг ажойибидан, деб ҳисоблагандирсиз?

Будпарастликдан қочиб, Аллоҳнинг розилигини истаб, юртини тарк этиб бир итлари билан тоғдаги бир ғорга қочиб бориб яширинган бир гурух ёш йигитлар тарихда “Асҳоби Кахф” (“Ғор кишилари”) ёки “Асҳоби рақим” (“Битик эгалари”) деган номлар билан машхур бўлганлар.

## ХУЛОСА

Таҳлил жараёнида шу нарса маълум бўлди, Азимий Қуръон оятлари ва ҳадислар мазмунини шеърда сингдиришда, асосан, талмиҳ ва ишора санъатларидан фойдаланган. У шеърларида Қуръоннинг ўндан ортиқ сураларига мурожаат қиласан. Девондаги айрим байтларда оят ва ҳадислар мазмуни ўзбек тилида ҳам берилган. Шоирнинг шеърларда фойдаланган иқтибосларига кўра унинг Қуръонга моҳир эканлиги, у келтирилган иқтибосларни мазмун ва моҳиятларини тўлиқ очиб беролганини кузатиш мумкин. Яна шуни айтиш жоизки, Қуръон ва ҳадисдан келтирилган иқтибослар туфайли асарларнинг қадр-қиммати юксак баҳоланаётгани кўплаб янги қирраларни очиб беради.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Қуръони карим: маъноларининг таржима ва тафсири/Таржима ва тафсир муаллифи: А. Мансур. –Т.: “Тошкент ислом университети”, 2007. – 624 б.
2. Давлатов О. Алишер Навоий шеъриятида Қуръон оятлари ва ҳадисларнинг бадиий талқини. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Самарқанд. 2017.
3. Ҳожиаҳмедов А. Шеър санъатлари ва мумтоз қофия. – Т.: Ўқитувчи, 1999. – 96 б.
4. Жўрабоев О. Ҳазиний Тўра. –Т.: 2007. “Фан”. – 135 б.